ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН “ҚУЛОҚ” ПОСЁЛКАЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ САФАРБАРЛИК

М.Ғ. Абдуллаев

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон “қулоқ посёлкалари”даги махсус кўчирилганларнинг урушга сафарбарлик қилиниши ва “собиқ қулоқлар”нинг урушдаги иштироки ёритилган. Махсус посёлкалардан урушга олинган махсус кўчирилганлар миқдорига оид статистик маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, ҳарбий сафарбарлик, ГУЛАГ, махсус посёлкалар, Давлат Мудофаа комитети, чақирув комиссияси, ҳарбий комендатура.*

В статье освещены вопросы военной мобилизация в «кулацких посёлках» Узбекистана в годы Второй мировой войны и участие «бывших кулаков» в войне. Приведены статистические данные о мобилизованных на фронт спецпереселенцах из спецпоселений.

Ключевые слова: *Вторая мирвая война, военная мобилизация, ГУЛАГ, спецпосёлки, Государственный комитет обороны, призывная комиссия, военная комендатура.*

The present article is devoted to the issues of military mobilization in the “kulak villages” of Uzbekistan during the World War II and the participation of “former kulaks” in the war. The statistical data on the mobilized special settlers to the front through special villages are given.

Key words: *World War II, military mobilization, GULAG, special villages, State Defense Committee, draft board, military commander’s office.*

Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларидаги махсус кўчирилганларнинг фашизмга қарши урушда иштироки масаласи тарихшуносликдаги муҳим масалалардан бири бўлиб, у ҳали тўла тадқиқ этилмаган*. Ваҳоланки, “собиқ қулоқлар”нинг урушда иштироки ва ғалабага қўшган ҳиссаси махсус посёлкалар тизими тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида сургун қилинган “қулоқ”лар ва уларнинг фарзандлари қизил армияга олинмаган, ҳатто ҳарбий комиссариатлар томонидан қайд ҳам этилмаган. СССР Мудофаа халқ комиссариати Бош бошқармасининг 1940 йил 27 февралдаги “Кўчириб келтирилган аҳоли ҳудудларидаги ёшларнинг чақириқ тартиби тўғрисида”ги кўрсатмасида НКВДнинг маҳаллий ГУЛАГ органлари ҳисобида турувчи ёшларнинг чақирув органларида қайдга олиниши ҳамда қизил армия ва флотга сафарбар қилиниши тақиқланган эди. СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги №1143-280-сс сонли қарорида озод қилинган чақириқ ёшидаги эркаклар (ўзларини ижобий жиҳатдан намоён қилганлар) Мудофаа халқ комиссариатининг алоҳида кўрсатмасига биноангина чақирув участкаларида қайдга олиниши мумкинлиги қайд этилган [1.8].

1942 йилда мамлакат бўйича “қулоқлар сургуни”да юқоридаги қарорга асосан озод қилиниши лозим бўлган 165050 нафар ёшлар бор эди. 1939 йил 1 январидан 1940 йил 1 октябригача 16 ёшга тўлган 50569 нафар ёшлар мазкур қарор бўйича ўқишга ва ишга кириш учун озод қилинган эди [2.233].

Урушнинг дастлабки кунларида махсус кўчирилганлардан 547 нафари кўнгилли равишда урушга жўнатишни сўраб ариза берган. Бу пайтда мамлакат бўйича меҳнат посёлкаларида 100 мингдан ортиқ чақириқ ёшидаги эркаклар бўлиб, улар 10-12 йилдан бери ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келмоқда эди. Шу боис НКВД Лагерлар бош бошқармаси 1941 йил 14 ноябрда жойларга махфий хат юбориб, СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарорида кўрсатилган қоидалар бўйича чақириқ ёшига етган ёшларни зудлик билан меҳнат посёлкаларидан озод қилиш ва шахсий варақаларини ҳарбий комиссариатларга ўтказиш ҳақида кўрсатма берди [3.83]. Шунга мувофиқ 1941 йил охиригача Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан 330 нафар ёшлар озод қилинган [3.86].

1941 йил декабридан махсус кўчирилганларни ҳам урушга сафарбар қилиш ҳаракати бошланади. 1941 йилнинг 15 декабригача Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидан 18 киши фронтга олинган, шунингдек, яна 14 киши урушга жўнатишларини сўраб ариза берган. Бу пайтда посёлкаларда 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган 2738 эркак бор эди [4.135].

1942 йил май ойигача махсус кўчирилганларни

* Профессор Р. Шамсутдиновнинг қулоқ қилиш тарихига оид монографияларида Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон сургунидагиларнинг урушдаги иштироки ҳақида маълумотлар ўрин олган ва урушда ҳалок бўлган юртдошлар номлари келтирилган.

урушга сафарбар қилиш оммавий тус олмади, бу жараён жуда суст борди. 1942 йил март ойи охирларида СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари С.Н.Круглов СССР ХКС раиси ўринбосари В.М.Молотовга махсус хат йўллаб, НКВД ГУЛАГ меҳнат посёлкаларидаги ҳарбий хизматга яроқли, “сургун қилинган пайтда қулоқ хўжалиги бошлиғи бўлмаган, фақат оила аъзоси бўлган” эркаклардан 100 минг нафарини урушга сафарбар қилиш ҳақида таклиф киритади [5.175]. Шу муносабат билан СССР ХКСнинг “Махсус кўчирилганлар фарзандларининг ҳарбий мажбуриятни ўташлари тўғрисида” қарори қабул қилинди [6.624-625]. Унда НКВД ГУЛАГ меҳнат посёлкаларида сургунда бўлган, сургун қилинган пайтда хўжалик бошлиғи бўлмаган эркакларни умумий асосда ҳарбий хизматга олиш мумкинлиги айтилган эди. Қарорнинг бир бандига кўра, ҳарбий хизматга олинганлар оила аъзоларининг иш ҳақларидан ушлаб қолинаётган 5 фоизлик чегирма бекор қилинди. Шунингдек, НКВДга қизил армияда бир йилдан ортиқ хизмат қилиб, қўмондонликнинг ижобий тавсифномасига сазовор бўлган жангчилар оиласини сургундан озод қилиш ҳуқуқи берилди [6.624-625].

Давлат Мудофаа Комитети (ГКО)нинг 1942 йил 11 апрелдаги №1575-сс сонли қарорига биноан 1942 йил 15 апрелидан 15 майга қадар меҳнат сургунидаги қулоқ фарзандларидан 35 минг киши қизил армияга сафарбар қилинди. Бу рақам 1942 йил июнь ойида 50 мингдан зиёдга кўпайди [7.28].

Бу пайтда Ўзбекистон махсус посёлкаларида 18 дан 55 ёшгача бўлган эркаклар контингенти 2710 нафар, улардан 18 дан 40 ёшгача бўлганлари, яъни урушга олиниши мумкин бўлганлар 1659 кишидан иборат эди. Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонининг 1942 йил 4 майдаги буйруғига биноан, Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалардан 1600 кишини, жумладан, Ўзбекистон махсус посёлкаларидан 40 ёшгача бўлган эркаклардан 1000 нафарини ҳарбий хизматга олиш тўғрисида кўрсатма берилди [8.73-74].

Шундан кейин Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалардан ҳам “собиқ қулоқлар”ни урушга сафарбар қилиш ишлари оммавий тус олди. Махсус кўчирилганларни ҳарбий сафарбарлик учун танлаб олиш махсус комиссия томонидан НКВД район бўлимлари вакиллари ва посёлка комендантлари иштирокида амалга оширилган. Комиссия томонидан ҳар бир чақирилувчи тўғрисида НКВД район бўлими ва посёлка комендантлари томонидан тавсифнома тайёрланган, устидан бадном қилувчи материал тушган кишилар, касаллаги туфайли ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлар ҳарбий хизматга олинмаган.

1942 йилнинг 20 майигача ЎзССР меҳнат посёлкаларидан 1126 киши урушга олинган, бу вақтда яна 2084 нафар чақириқ ёшидагилар бор эди [2.236]. 1942 йил апрель-май ойларидаги ҳарбий сафарбарлик, асосан, йирик сургун минтақаларида амалга оширилди, яъни Ўрта Осиё бўйича фақат Ўзбекистонда ўтказилди.

1942 йил 1 июнда Ўзбекистон меҳнат посёлкалари бўйича сафарбарлик ортиғи билан бажарилган: режадаги 1000 киши ўрнига амалда 1152 киши сафарбар қилинган. Жумладан, Тошкент областидан 742, Андижон областидан 180, Наманган областидан 70, Сурхондарё областидан 70, Самарқанд областидан 90 киши урушга олинган [8.84-88].

1942 йилнинг май-ноябрь ойлари давомида алоҳида посёлкалар бўйича: “Далварзин” меҳнат посёлкасидан 174, “Норин” меҳнат посёлкасидан 90, Оққўрғон районидаги 3-меҳнат посёлкасидан 143, Ховос районидаги “Боёвут” меҳнат посёлкасидан 87, Денов районидаги “Ҳазорбоғ” меҳнат посёлкасидан 103, Янгийўл районидаги 12-меҳнат посёлкасидан 36 киши урушга сафарбар қилинган [9]. Улардан айримлари ҳақида маълумот келтирамиз:

Жўрабоев Тошбой – 1905 йилда туғилган, Фарғона вилояти, Қўқон райони, Тумор қишлоғидан. 1931 йилда Денов районидаги “Ҳазорбоғ” меҳнат посёлкасига сургун қилинган. Урушгача “Ҳазорбоғ” совхози 2-бўлимида ишлаган, меҳнатда ўзини ижобий томондан кўрсатган. 1942 йил 29 майда Денов райони ҳарбий комиссариатидан урушга олиниб, Татишчево шаҳридаги 19-ўқчи дивизия ихтиёрига юборилган. Оиласи СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1942 йил 22 октябрдаги буйруғига мувофиқ меҳнат посёлкаси ҳисобидан чиқарилган [10.75].

Бобожонов Машраб – 1909 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, 1932 йилда “Савай” меҳнат посёлкасига сургун қилинган. 1942 йил 13 апрелда қизил армияга сафарбар қилинган ва сургун ҳолатидан чиқарилган [11.1].

Қувватов Мурод – 1910 йилда туғилган, Бухоро вилояти Ғиждувон районидан. 1931 йилда оиласи билан “Ҳазорбоғ” меҳнат посёлкасига сургун қилинган. 1942 йил май ойида урушга чақирилиб, Татишчево шаҳридаги 19-ўқчи дивизия ихтиёрига юборилган [10.23].

Қаюмов Самад – 1942 йилнинг ноябрь ойида “Боёвут” махсус посёлкасидан фронтга юборилган. Ховос райони НКВД комендатурасининг 1942 йил 3 декабрдаги қарори билан оиласи махсус посёлка ҳисобидан чиқарилган [10.61].

Усмонов Абдурашид – Андижон вилояти Ворошилов райони Қўштепа қишлоғидан. 1932 йилда оиласи билан “Савай” меҳнат посёлкасига сургун қилинган. 1942 йил 12 апрелда урушга жўнаб кет-

ган, оила аъзолари меҳнат посёлкаси ҳисобидан чиқарилган [10.67].

1942 йил иккинчи ярмида совет-герман фронтида юзага келган мураккаб вазият фронтга кўп кишиларни сафарбар қилишни тақозо этарди. Давлат Мудофаа Комитети 1942 йил 22 июлда махсус кўчирилганлардан яна 15 минг нафарини сафарбар қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарорга мувофиқ, НКВД август ойида 25 та минтақадаги меҳнат посёлкаларидан 16150 кишини урушга жўнатишни режалаштирган. Бироқ август ойи давомида фақат 3467 киши урушга юборилди [10.67]. Махсус кўчирилганларни урушга оммавий сафарбар қилиш октябрь ойи ўрталаригача давом этди.

СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1942 йил 22 октябрдаги “Қизил Армияга чақирилган меҳнат учун кўчирилганлар ва улар оила аъзоларини меҳнат сургуни ҳисобидан чиқариш тўғрисида”ги 002303-сонли буйруғига биноан урушга сафарбар қилинган “собиқ қулоқлар” ва уларнинг оила аъзолари меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилди ва уларга турли чекловларсиз паспорт бериладиган бўлди [6.762]. Шунингдек, меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилганлар маошларидан олиб қолинаётган 5 фоизлик чегирма ҳам бекор қилинди.

1942 йил 1 ноябрида сургундагиларни қизил армияга сафарбар қилиш ишлари якунланди. Уруш бошидан то бу давргача СССРдаги 25 та сургун минтақасидан жами 60747 киши (улардан 57324 нафари 1942 йил 1 январидан кейин) урушга юборилди. Жумладан, Ўзбекистон ССР меҳнат посёлкаларидан 1658 киши, Тожикистон ССР меҳнат посёлкаларидан 812 киши, Қирғизистон ССР меҳнат посёлкаларидан 767 киши урушга сафарбар қилинган [12.103]. Бундан ташқари, тўла бўлмаган маълумотга кўра, бу даврда СССР ХКС ва МИКнинг 1934 йил 22 октябрдаги 1143-200-сс сонли қарори бўйича озод қилинган меҳнат посёлкалари ёшларидан 8750 нафари ҳам урушга юборилган [2.237].

Шу тариқа, 1941-1942 йилларда сургун қилинган қулоқ оилаларидан иттифоқ бўйича жами 73258 киши ҳаракатдаги армияга олинди. Бундан ташқари, 1942 йил давомида меҳнат посёлкалардаги аҳоли вакилларидан 2528 нафари фронт яқинидаги қурилиш батальонларига, 2400 нафари эса фронт ортидаги темир йўллар қурилишига ва кўмир конларига юборилди [6.798]. 1942 йилнинг 1 декабрида ГУЛАГ меҳнат посёлкаларида яна 74584 нафар чақириқ ёшидаги эркаклар бор эди. Афсуски, архивларда 1943-1945 йилларда меҳнат посёлкаларидаги ҳарбий сафарбарлик ишларига доир материаллар сақланмаган. Лекин шуниси маълумки, совет-герман фронтида 1943 йилдаги туб бурилишдан кейин “собиқ қулоқлар”ни урушга оммавий сафарбар қилиш тўхтатилган, бу жараён яна сустлашган. 1943 йилда махсус кўчирилганлардан 20 мингтаси ишчи колонналарига олинган, посёлкалардаги қолган чақириқ ёшидаги эркаклар эса, НКВД ГУЛАГ бошлиғи Наседкиннинг Ички ишлар Халқ комиссари Л.П.Берияга юборган маълумотига кўра, “кўмир, ўрмон хўжалиги, қора ва рангли металлургия саноати ташкилотларидаги асосий ишчи кадрлар” бўлган [2.237].

Урушга олинган “собиқ қулоқлар” ва оила аъзоларини меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқариш ишлари жуда суст борди. 1942 йил 10 декабргача мамлакат бўйича фақат 47116 киши ҳисобдан чиқарилди. Улардан 17775 таси урушга олинганлар, 29341 таси уларнинг оила аъзолари эди [13.22]. Умуман олганда, урушга сафарбар қилинганлар оиласининг сургун ҳисобидан чиқарилиши меҳнат посёлкаларида катта руҳий кўтаринкиликка сабаб бўлди. Сургундагилар кўнглида эртами-кеч қачондир сургундан озод бўлишларига умид пайдо бўлди. Улар яқин орада тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлишларига ишонган ҳолда, фронтдаги яқинларига хат ёзиб, уларни мардона жанг қилишга руҳлантирдилар.

Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидан собиқ қулоқларни урушга сафарбар қилиш тўғрисидаги ҳисоботда сафарбарлик ишлари кўтаринки руҳда, қийинчиликларсиз ўтказилгани, урушга олинганларнинг кайфияти ижобийлиги, улар ўз сўзларида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини билдираётгани таъкидланган. Улардан айримлари “ҳақиқий совет кишиси сифатида жанг олиб бораман”, “Ватанни ҳимоя қилишга ихтиёрим билан бораман”, деб чиққанлар. “Норин” меҳнат посёлкасидан урушга сафарбар қилинган Николай Гобуев “Агар фронтга борсам Қўчқор Турдиевга ўхшаб қаҳрамон бўлмасдан уйга қайтмайман”, деб айтган [14.506].

1942 йил 22 июлда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 289-сонли махсус кўрсатмаси маҳаллий НКВД органларига юборилган бўлиб, унда меҳнат посёлкаларидан қизил армияга сафарбар қилинганлар оиласи СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 26 апрелдаги “Уруш даврида оддий аскар ва кичик командир тоифасидаги ҳарбий хизматчилар оиласига нафақа тайинлаш ва бериш тартиблари тўғрисида”ги қарорида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши, шунингдек, урушда ногирон бўлиб келганлар оиласи СССР ХКСнинг 1940 йил 16 июлдаги “Муддатли ҳарбий хизматдаги аскар ва кичик командирлар тоифасидаги ҳарбий хизматчилар ва улар оиласига пенсиялар ҳақида”ги қарори бўйича имтиёзга эга бўлиши билдирилган эди [15.41].

Бироқ айрим ҳолатларда меҳнат посёлкаларидан урушга жўнаб кетганлар ёки ногирон бўлиб

урушдан қайтиб келганлар оиласига тегишли ёрдам ва нафақалар берилмаган. Қонунда белгиланганига қарамай, бу оилалар асоссиз равишда имтиёзлардан маҳрум қилинганлар. Шу сабабли ҳам юқоридаги ҳолат бўйича Янгийўл, Бекобод районидаги меҳнат посёлкаларидан кўплаб шикоят аризалари тушган [15.48].

1942-1943 йилларда урушга сафарбар қилинганлар оила аъзоларидан бир қанчаси сургундан озод қилиниб, туғилган жойларига жўнаб кетдилар. Шунингдек, СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарори бўйича 16 ёшга тўлган йигит-қизлар ҳам тўхтовсиз озод қилиндилар. 1944 йил март ойининг ўзида ушбу қарор бўйича ЎзССРдаги 3-меҳнат посёлкасидан 42 киши, 8-посёлкадан 8 киши, 10-посёлкадан 15 киши, 11-посёлкадан 47 киши озод қилинган. Шу боис уруш йилларида меҳнат посёлкаларида "собиқ қулоқлар" тобора камая борди. Жумладан, Ўзбекистон ССР меҳнат посёлкалари контингенти 1943 йилнинг 1 январида 8921 кишига, 1 апрелида 8845 кишига, 1 июлида 8703 кишига, 1 октябрида 8559 кишига, 31 декабрида эса 8534 кишига қисқарган [16].

1943-1945 йилларда уруш ҳаракатлари кетаётган ҳудудлардан, асосан, Қрим ва Кавказорти ўлкасидан бир қанча миллат вакиллари депортация қилинди. Улар ҳам турли минтақалардаги махсус посёлкаларга жойлаштирилди. Шу муносабат билан 1944 йил март ойида СССР НКВД таркибида бўлиниш юз бериб, ГУЛАГ тизимидан меҳнат ва махсус посёлкалар бўлими алоҳида тармоқ сифатида ажралиб чиқди. Шу вақтдан эътиборан меҳнат посёлкалари яна аввалгидек "махсус посёлкалар", сургун қилинганлар эса "махсус кўчирилганлар" деб атала бошлади. Сургун қилинган қулоқлар эса расмий ҳужжатларда "махсус кўчирилганларнинг "собиқ қулоқлар" контингенти" ёки қисқача "собиқ қулоқлар" деб юритила бошлади.

1945 йилда ЎзССР махсус посёлкаларида собиқ қулоқлар вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган эди: Тошкент областида – 1680 оила (5249 киши), Самарқанд областида – 76 оила (231 киши), Андижон областида – 189 оила (562 киши), Наманган областида – 209 оила (626 киши), Сурхондарё областида – 230 оила (680 киши), республика бўйича – 2384 оила (7348 киши) [17.76].

Хуллас, сургундаги "собиқ қулоқлар" Иккинчи жаҳон урушининг бутун машаққатларини ўз бошидан кечирдилар. Улар совет тузумидан жабр кўргани ва жазоланганига қарамай, урушнинг бутун қийинчиликлари ва масъулиятини барча совет халқи қатори ўз зиммаларига олдилар. Махсус кўчирилганлар фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича режа ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Кўплаб собиқ қулоқлар ва уларнинг фарзандлари уруш жанггоҳларига сафарбар қилиниб, маълум бир қисми қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Уруш йилларида сургун қилинган қулоқларга муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади. Бу ҳол уларнинг сургундан оммавий равишда озод қилинишларига йўл очди. СССР Ички ишлар министри С.Н.Кругловнинг 1947 йил ноябрь ойида Л.П.Берия номига юборган маърузаномасида: "Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон ССР, Бурят-Монгол, Коми АССР, Олтой, Хабаровск ўлкалари, Архангелск, Иркутск, Кемерово, Куйбишев, Курган, Мурманск, Томск, Тюмень, Челябинск ва Херсон областлари меҳнат посёлкаларида яшаётган собиқ қулоқ вакилларидан 24700 киши Совет Армиясига сафарбар қилинди. Улардан 2700 дан ортиғи орден ва медаллар билан тақдирланди, 5 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди" [18.63], деган жумлалар бор эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд, 1-рўйхат, 7-иш.
2. Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996.
3. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 9-иш.
4. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
5. Финаров А. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР.– М., 1961.
6. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. / Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004.
7. Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Жангчи ўзбек "қулоқ"лари // Фан ва турмуш.- 2000.- №6.- С.26-29
8. Россия Федерацияси давлат архиви (РФДА), 9479-фонд, 1-рўйхат, 57-иш.
9. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 32-, 24-, 25-, 27-ишлар.
10. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 27-иш.
11. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 32-иш.
12. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: Наука, 2003.
13. Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной войны //Социологические исследования. – М.: 1992. -№2.-С.17-32

14. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003.
15. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 14-иш.
16. РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш.
17. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 53-иш.
18. РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 327-иш.

Андижон давлат университети,
2019 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Б.Расулов)